

Ҳадис дарслари (208-дарс) Ёш болаларнинг кийимга бавл қилиши ҳақида



00:00 / 08.12.2022 4821

يَبْصَبُ مَلَسًا وَيَلْعَهُ لَلَّيَّ لَصَّه لَلَّيَّ لُؤْسَرِي تَأْتِي تَلَاقُ أَنْعُهُ لَلَّيَّ صَرَّةً شَائِعًا نَعُ
مُسْمُوهًا وَيَلْعَهُ بَصْفًا مَبْأَعَدَفَ رُحَّيْ لَلَّيَّ بَصْفًا ضَرِي

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир эмизикли гўдак келтирилди. У эса қўйниларига бавл қилиб қўйди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам сув опкелтириб, унинг устидан қўйдилар», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Оиша онамиздан қилинаётган бу ривоят аввалги дарсимиздаги

ҳадисга ўхшаб кетади. Ораларидаги нозик фарқ шуки, биринчи ҳадисда «сепдилар» дейилган бўлса, иккинчисида «қуйдилар» дейилмоқда. Албатта, сепиш билан қуйишнинг орасида фарқ бор. Қуйиш умумийроқ бўлиб, ювишга яқиндир.

هَلْ لَإِلْوَ سَرَرِجٍ فِي نَيْسُخِ الْجَانِكِ تَلْأَقِ أَهْوَءُ لَلْإِيضَرِّ شَرَّاحِ لِتَنْبَءِ أَبْلِ نَعِ
يَّتَحَكَّرَازِي نَطْعِ أَوْ أَبْوْثِ سَبِّالِ تَلْقُفِ هَيْلِ أَلْأَبْفِ مَلَّسِ وَهَيْلِ لَلْإِيصِ
دَمْحِ أَوْ دَوَادِ وَبَأْهَ أَوْ رَكِّذِ لَلْوَبِّ نَمُحْضِ نِي وَتَنْأَلِ لَلْوَبِّ نَمُجْ سِغِي أَمَّنْ إِيْلَاقِ هَلْ سِغِ أَوْ
مُكْأَخْلِ أَوْ

Лубоба бинти ал-Ҳорис розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади.

«Хусайн Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қучоқларида эди. Бас, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг устиларига бавл қилиб юборди. Мен:

«Бирор кийим кийиб, менга изорингизни беринг, ювиб берай», дедим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиз боланинг пешобигина ювилади, ўғил боланинг пешобига (сув) сепилса бўлди», дедилар.

Абу Довуд, Аҳмад ва Ҳокимлар ривоят қилганлар.

Бу ҳадиси шарифда Лубоба бинти Ҳорис розияллоҳу анҳо ўзлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иштирокларида шоҳид бўлган бир ҳодисани ривоят қилмоқдалар:

«Хусайн Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қучоқларида эди».

Бу ҳазрати Али ва Фотимаи Заҳроларнинг ўғиллари, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг набиралари Имом Хусайндир. Маълумки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг жажжи набиралари Имом Ҳасан ва Имом Хусайнларни жуда яхши кўрар эдилар. Уларни масжидга ҳам олиб чиқар, ўтирганларида эркалатиб, қучоқларида олиб ўтирар эдилар. Лубоба бинти Ҳорис розияллоҳу анҳо ўша ҳолатлардан бирини ривоят қилмоқда.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қучоқларида набиралари Хусайн розияллоҳу анҳуни олиб ўтирар эдилар.

«Бас, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг устиларига бавл

қилиб юборди».

Яъни, кичик Ҳусайн бобоси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қучоқларида туриб, у зотнинг устиларига бавл қилиб юборди.

«Мен: «Бирор кийим кийиб, менга изорингизни беринг, ювиб берай», дедим».

Лубоба бинти Ҳорис розияллоҳу анҳонинг бу гапларидан у кишининг Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган олий даражадаги ҳурматлари кўриниб турибди. Изор – тананинг пастки тарафига кийиладиган кийимдир. Лубоба бинти Ҳорис розияллоҳу анҳо пешоб нажаслигидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳусайн розияллоҳу анҳунинг пешоби теккан кийимлари – изорларини ювиш лозим бўлди, деб тушунган эдилар. Аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Лубоба розияллоҳу анҳонинг тахминлари нотўғри эканлигини баён қилдилар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиз боланинг пешобигина ювилади, ўғил боланинг пешобига (сув) сепилса бўлди», дедилар.

Бу фарқнинг сабабини уламолар қуйидагича изоҳлайдилар:

Ўғил ва қиз болаларнинг жисмоний тузилишларидаги фарқлар туфайли уларнинг пешоблари ҳам фарқли бўлади. Масалан, пешоб чиқариш аъзоларидаги фарқ туфайли ўғил боланинг пешоби сиқилиб чиқади, қиз боланики эса ундай бўлмайди.

Қиз боланинг пешоби қуюқроқ бўлиб, кийимга тегса, ювмаса кетмайдиган даражада ўрнашиб қолади. Ўғил болаларнинг пешоби эса суюқроқ бўлиб, устидан сув қуйилса, батамом ювилиб кетади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди